Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
28 ИЮНЬ, 1969 Й
ШАНБА
№ 151 (915).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОШКЕНТ УЛУШИ

Беш йилликнинг улкан қурилишларидан бўлган янги тўқимачилик корхоналарини бунёд этишда ўзбек мутахассислари ҳам қатнашмоқдалар.

Тошкент пуско-наладка бошқармасининг инженер-техник ходимлари ва ишчилари Оренбургда қад кўтарадиган янги газлама комбинатининг техника воситалари, станцияларини ўрнатишга киришдилар. Ҳамшаҳарларимиз қисқа вақт ичида 800 га яқин «СКБ» маркали дастгоҳларни созлаб беришлари керак.

● *Ленин юбилейига меҳнат рапортлари*

ЯНА ПЕШҚАДАМ

Ихтисослаштирилган 3-тикувчилик фабрикасининг коллективи ярим йиллик план топшириқларини биринчилар қатори муддатидан илгари оширib адо этди. Тикувчилар ярим йиллик планга қўшимча 160 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш ва реализация қилиш мажбуриятини олдилар.

Чеварлар республика Енгил саноат министрлигига йўллаган ғалаба рапортларида тежалган 5600 квадрат метр материалдан 2 мингта болалар пийжама тикилганлигини, буюмларнинг 23 хил янги моделини ишлаб чиқариб ўзлаштирилганлигини, биринчи сорт буюмлар тайёрлаш 2 процент ошганлигини хабар қиладилар.

1-тикув цехининг коллективи 1969 йилнинг биринчи ярмида мусобақада ғолиб чиқди.

ҚЎШИМЧА БУЮРТМАЛАР

Пойтахтдаги 2-автомобиль ремонти заводида йил бошидан буён неча юзлаб автобуслар, юк машиналари халқ хўжалигида хизмат қилиш учун қайта қаётга йўлланма олди. Автобуслар ремонтидан ташқари заводда жуда кўп ассортиментда автомобиллар блоки, эҳтиёт қисмлар ва ностандарт буюмлар тайёрланмоқда.

Бугун

авторемонтчилар йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ярим йиллик планини муддатидан илгари адо этганликлари ҳақида Узбекистон автомобиль ремонти бирлашмасига рапорт бердилар. Планга қўшимча тайёрланган минглаб эҳтиёт қисмлар орасида автомобилларнинг тирсак валлари кўплаб қайта тикланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Чунки мана шу деталга бўлган талаб тобора ортиб боряпти.

Ўхшаш корхоналар ўртасида доимо пешқадамлик қилиб келаётган корхона аҳли ярим йиллик пландан ташқари буюртмачиларга бир мингдан зиёд тирсак валлари тайёрлаб бериш мажбуриятини олди.

Республика автопарклари ларига пландан ташқари ремонт қилинган 5 та автобус жўнатилди.



Шаҳардаги 9-шинаремонт заводининг ишчилари ленинча меҳнат вахтасида туриб меҳнат қилмоқдалар.

СУРАТДА: заводнинг пешқадам асбобсоз слесари Олег Захаров. У шу кунларда ўзининг беш йиллик шахсий топшириқларини бажариш арафасида турибди.

ДЎСТЛИГИМИЗНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ

● *Бизнинг интервью*

«Мусаффо чашма»


ЭРДЭНЕ,
ёзувчи.

Бундан тўрт йил муқаддам Москвада менинг «Мусаффо чашма» китобим рус тилида босилиб чиққан эди. Шу китобни ҳозирги кунларда Тошкентда ўзим билан бирга олиб юрибман. Чунки монгол ва совет халқларининг абадий дўстлигини мусаффо чашмадек тасаввур этаман.

Бизни, Монголия Халқ Республикасининг вакилларини Тошкентда қучоқ очиб кутиб олишганлигидан бехад миннатдормиз.

Мен Ўзбекистонга биринчи марта қадам қўйган бўлсам ҳам, унинг талантли адибларини жуда яхши танийман. Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг муборак номини Монголияда ҳурмат билан тилга олишади. Садриддин Айнийнинг асарларини синчиклаб мутолаа қилганман. Ғафур Ғулом шеърларини мароқ билан ўқиганман. Зулфиянинг янгроқ овозини берилиб тинглаганман. Ўзбекистонда бўлаётган Монголия Кунларида қатнашиб янги дўстлар орттираман, уларнинг ижоди ҳақидаги баҳс ва мунозараларини тинглайман. Ўзбек диёридан бир олам таассурот оламан.





СУРАТДА: (чапдан ўнгга) рақс усталаридан Ганбаатор ва Туул ҳамда ёзувчи Эрдэне. М. Нуриддинов фотолари.

МАМНУНМАН

ГОМБОСУРЭН,
Улан-Батордаги киностудиянинг артисти

Монголия кунларида киностудиямизда яратилган бир қатор фильмларнинг фестивали ҳам ўтказилади. Фестиваль программасига «Тонг» деган картина киритилган. Кино асари монголияда халқ революциясини амалга оширган Сухэ-Батор бошчилигидаги делегациянинг пролетариатнинг улуғ доҳийси В. И. Ленин билан учрашувига бағишланган. Мен ана шу картина яратилишида қатнашганлигим билан ниҳоятда хурсандман.

Бизда Совет Иттифоқининг киностудияларида ишлаб чиқилган бадиий фильмлар жуда эъзор қизиқиш билан намойиш этилади. «Инсон тақдири», «Олтинчи июль», «Йигит» каби бир қатор фильмларни кўриб, яхшигина таассурот олганман. Тошкентда ўз ҳамкасбларим билан учрашиш ниятиданман. Албатта, уларнинг картиналарини кўришга ошиқаман.

МИННАТДОРМИЗ

ДАШПУСАГ,
Тошкентда ўқиётган монгол студентлари группасининг бошлиғи.

Биз серқуёш диёрингиз пойтахти Тошкентда худди ўз она-Ватанимизда таълим олаётгандек ўқияпмиз. Мен монгол студентлари номидан ўзбекистонлик ўқитувчиларга, бизга яқиндан ёрдам бераётган студент дўстларимизга чексиз миннатдорчилигимизни билдираман.

Тошкент олий ўқув юртларида ҳозир 39 ҳамюртим таълим-тарбия олияпти. Улар халқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича юқори малакали мутахассислар эгаллашиб, ўз юртларига қайтадилар. Бу йил 29 монгол ёшлари олий маълумот билан Монголияга бориб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали ишлашади.

Мен Политехника институтининг энергетика факультети 4-курсида таълим олияпман. Шубҳасиз, Ўзбекистонда ўтаётган ҳамюртларимиз Кунларини кўнгилдагидек бўлади. Уларнинг ишларида монгол студентлари номидан муваффақиятлар тилайман.

ДЎСТЛАР ТОШКЕНТДА УЧРАШДИЛАР

Осетин йигити Исломнинг асли она-шаҳри Оржоникидзедир. У кўп кеча Душанбадан Тошкентга бир олам қувонч билан етиб келди. Ўттиз икки ёшли йигитни бу ерга етаклаб келган қадрдон дўстининг икки энлик хати бўлди.

Ислом Қамбулатович бундан олти йил муқаддам Москвадаги полиграфия институтининг бадиий безаш факультетига ўқишга киради. Шу йили олий ўқув даргоҳига қадрдон социалистик мамлакатларининг йигит-қизлари ҳам қабул қилинган эди.

Осетин йигити институтнинг Михайловская кўчаси 13-уйдаги ётоқхонасида монгол йигити Сандагдорж билан танишади.

Қорачадан келган, зуваласи пишиқ йигитни Москвага олиб келган куч унинг рассомчиликка бўлган меҳр ва муҳаббати эди.

Икки йигит студентлик йилларининг ширин ва машаққатли дақиқаларини биргаликда ўтказишди. Беш йил ичида қанча-қанча расмлар чизилиб муҳокама қилинди ю. қанча-қанча самимий суҳбатлар қурилди. Икки йигит бирбирининг оиласи, халқининг урф-одатлари ҳақида бир талай нарсаларни билиб олишди.

Орадан беш йил ҳам ўтди. Институтни битирган ёш малакали рассомлар ишга йўлланма олишди.

Монгол йигити Сандагдорж ўз ватанига бориб маҳорат билан ишлай бошлади ва кейинчалик мамлакат Рассомлар союзининг секретари вазифасига кўтарилди. Яқинда у Ўзбекистонда бўладиган Монголия Халқ Республикаси кунлари муносабати билан Тошкентга келди. У бу ерда Монголия тасвирий санъат асарлари кўргазмасини ташкил қилиши керак эди.

Рассом йигит Тошкентдан Душанбадаги «Ирфон» нашриётида ишлаётган ҳамкасб дўсти Ислом Тибиловга телеграмма берди. Қалби қувончга тўлган Ислом тезда самолётда Тошкентга етиб келди.

Икки қадрдон дўст Тошкент меҳмонхонасида учрашишди. Кейин касб юзасидан қизғин баҳслар бўлди. Ислом монголиялик дўстига кўргазмани ташкил қилишда асарларнинг жойини топиб ўрнатишда яқиндан ёрдамлашди.

Кечқурунлари меҳмонхонада икки дўст — икки қадрдон қалбининг самимий суҳбатлари бошланади. Сандагдорж Улан-Баторда «Алифбе» дарслигига расмлар ишлаганлиги, «Монгол халқ қўшиқлари», «Тинчлик ҳаракатига 20 йил» деган китобларни безаганлиги ҳақида гапириб берди. Айни пайтда Исломнинг ишлари ҳам чакки эмас экан. У В. И. Ленин китобларини ва Х. Гадоевнинг миллий сиёсат ҳақидаги китобини безабди.

Икки дўст оқшом суҳбатларида студентлик йилларини эслашди, москвалик мўътабар ўқитувчилари А. Гончаров, В. Ляхов, Ю. Буржумян, В. Маркусларнинг фазилатлари ҳақида гапиришди.

Улар тинчлик шаҳри Тошкентнинг ҳушманзара жойларини айланишди, диққатга сазовор жойлари билан қизиқиб танишишди. Икки дўстнинг учрашуви икки мамлакат халқлари дўстлиги, қардошлигига бағишлаб шу кунларда республикамиз пойтахтида бўлаётган тантаналарга уланиб кетди.

А. ПЎЛАТОВ.

ЯНГИЛИК ИЗЛОВЧИЛАР

Пойтахт ихтирочилар ва рационализаторларининг тантанали йиғилиши

Республика «Билим» уйининг катта залига техника тараққиётини олга суратётган ишлаб чиқариш новаторлари— ихтирочилар ва рационализаторлар тўпланишди.

В. И. Ленин имзо чеккан «Ихтирочилик тўғрисида» Низом-декретнинг 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишни Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари М. Толипов қисқача кириш нутқи билан очди.

Ихтирочилик тўғрисидаги Ленин декретининг 50 йиллиги тўғрисида Узсовпроф секретари М. Ю. Йўлдошева доклад қилди.

Ленин декрети муносабати билан 1919 йилда ихтироларни —авторлик гувоҳномасини сақлашнинг янги формаси жорий этилди.

— 1919 йил октябрда Туркистон республикаси Халқ хўжалигининг Марказий Совети қошида, — дейди докладчи. — ихтирочилик бўлими тузилди.

Ихтирочилик ва рационализаторликнинг оммавий тус олиши янги техникалар яратиш, социалистик экономикани ривожлантириш масалаларини ҳал этишда катта куч бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон республикасида 1934 йилда бир мингга яқин ихтирочи ва рационализатор бор эди. 1969 йилнинг 1 январига келиб ишлаб чиқариш новаторлари отрядининг сони 35 минг кишига етди.

Партия ва ҳукуматимиз ихтирочилик ва рационализаторлик масаласига доимо катта эътибор бериб келмоқда. Ихтиролар яратиш ва рационализаторлик таклифлари киритишдаги ижодий фаолиятлар мамлакат халқ хўжалигида техника прогрессини ҳал этишнинг зарур шарт-шароитларидан ҳисобланади.

Ихтирочилик ва рационализаторликнинг оммавий равишда тараққий этишида жамоатчилик, касаба союзлари. Ихтирочилар ва рационализаторларнинг Бутуниттифоқ жамияти муҳим роль ўйнайди.

Фақат сўнгги уч йил мобайнида Ихтирочилар ва рационализаторлар Бутуниттифоқ жамиятининг ташкилотлари хўжалик ва касаба союз ташкилотлари билан ҳамкорликда Ўзбекистонда ихтирочилар ва рационализаторларнинг 1100 дан ортик кўригини ҳамда ишлаб чиқаришда бирмунча актуал техникавий вазифаларни ҳал этадиган 960 та конкурс ўтказди. Конкурс ва кўрикларга тушган таклифлардан 13660 таси муҳофотлар олди.

Янги беш йилликда республика ихтирочилари ва рационализаторлари беш йиллик фондига 195 миллион сўм қўшиш мажбуриятини олдилар. Ишлаб чиқариш новаторлари берган сўзларини шараф билан бажармоқдалар. Рационализаторлар беш йилликнинг ўтган уч йилида республика жамғармасига 132,6 миллион сўм қўшдилар.

Тошкентлик иходкорларнинг жуда кўп ишлари юқори баҳоланди. «Юлдуз» тикувчилик фирмасининг техника бўлими бошлиғи Н. Алимжонова газмолларни тахлашнинг янги рационал методини ишлаб чиққани ва жорий этгани учун СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг кумуш медали билан мукофотланди. Тўқимачилик комбинати 3-йигирув фабрикасининг мастер ёрдамчиси М. Мирголипов шу виставканинг бронза медалини олишга муваффақ бўлди.

Тошкент шаҳрининг ихтирочилари ва рационализаторларининг тантанали йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, алоқа ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик ходимларига, инженер-техниклари ва хизматчиларига қарата Мурожаат қабул қилдилар.

Республика пойтахтининг ихтирочилари ва рационализаторлари барча саноат корхоналари, илмий ва лойиҳа ташкилотларининг ҳамма ходимларини бутун куч ва билимларини техника прогрессини бундан буён янада тезлатишга сарфлашга, беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун муносиб ҳисса қўшишга чақирдилар.

● *Янги лойиҳалар*

ФАРҒОНАГА ТУҲФА

Совет Иттифоқи жаҳонда энг кўп китоб нашр қиладиган мамлакатдир. Ўзбекистонда ҳам китоб нашр этиш ва китоб савдоси иттифоқимиздаги бошқа республикалардаги каби ,йил сайин ривожланиб бормоқда.

Биринчи марта Фарғонада «Китоб уйи» биноси қуриладиган.

Бутуниттифоқ полиграфия саноати корхоналарини лойиҳалаш илмий-текшириш институтининг Тошкентдаги бўлими бу бино лойиҳасини ишлаб чиқишга киришди.

«Китоб уйи» биноси уч қаватдан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 12 минг кубометрдир. Янги бинода болалар адабиёти, бадиий адабиёт, техника, медицина, физкультура ва спорт, санъат ва музикага оид китоблар билан савдо қилувчи заллар, конференция зали, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ўтказиш учун мўлжалланган кўргазмалар зали бўлади.

Фарғонанинг Ленин кўчасида қад кўтарадиган бу бино замонавий архитектура услубида жиҳозланди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косыгин Москвага келган Ироқ республикаси ҳукумат иқтисодий делегациясининг бошлиғи, Ироқ Бош министрининг ўринбосари ва ички ишлар министри Солиҳ Маҳди Аммошни 27 июнда Кремлда қабул қилди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбат вақтида Совет-Ироқ муносабатларини янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларга, шунингдек ҳар икки мамлакатни қизиқтирадиган баъзи бир халқаро масалаларга шу жумладан, Яқин Шарқдаги аҳволга тўхталб ўтилди.

✦ Кеча Тошкентда халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг залларидан бирида очилган қардош Монголия тасвирий ва амалий санъати виставкаси Ўзбекистонда ўтаётган Монголия Халқ Республикаси кунларида жойинб воқеа бўлди.

✦ 27 июнь куни Тошкент санъат саройида Монголия Халқ Республикаси кунларига бағишланган кинофильмлар фестивали тантанали вазиятда очилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети кинематография давлат комитетининг раиси А. Қаюмов монгол киноси тўғрисида, Ўзбекистон томошабинларига сўзлаб берди.

Фестиваль очилишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Турсунов иштирок этди.

◆ ШАҲРИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЧИРОЙГА-ЧИРОЙ ҚЎШИБ

Бугун

«Главташкентстрой»га қарашли 2-пардозлаш трести 11-қурилиш бошқармасининг Н. Маннонов бошлиқ бригада ишчилари Луначарский шоссесида қад кўтараётган янги касалхонада пардоз ишларини сифатли олиб боряпти.

Пардозловчилардан Н. Собиров, Э. Содиқов, Б. Муҳаммаджонов ва бошқалар смена топшириқларини 160-180 процентга етказиб адо этишмоқда. улар ишларини поёнига етказишиб, бинони фойдаланишга топширади. Касалхона медицинанинг янги жиҳозлари билан таъминланади.

Ноёб аппарат

Куни кеча 1-ун комбинатига Оренбург шаҳридан иккита «АКС-10» маркали аппарат келтирилди. Бу аппарат буғдой мағизи билан устки қобиғи орасида кўз илғамас микро-ёриқчалар ҳосил қилади. Бунинг натижасида буғдой мағизидан устки қобиғининг ажралиши тезлашиб, ун сифати янада яхшиланади.

Бундай ажойиб аппаратларни 1-3 ва 4-ун комбинатларида ўрнатиш ишлари бошлаб юборилди. Бу аппаратлар Ўрта Осиё тегирмончилиги соҳасида биринчи марта ўрнатилаётир.



Руминиянинг саноат ва туризм маркази, йирик порт шаҳри — Констанцанинг қиёфаси йилдан-йилга ўзгармоқда.

Порт кенгайтирилиб, янги завод ва фабрика, уй-жой, касалхона, курорт районлари барпо этилди. СУРАТДА: Констанца портининг кўриниши. (ТАСС).

Жаҳон оинаси

ЮКСАК БАҲО

ПРАГА, 26 июнь. (ТАСС). Чехословакия миллий фронти Марказий Комитети президиуми коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгашининг бориши ва натижалари тўғрисидаги ахборотни муҳокама қилди ҳамда бу Кенгашнинг чиқарган хулосаларига тамомила қўшилганлигини билдирди. Бу ерда эълон қилинган ахборотда бундай дейилади: президиум Кенгашда қабул қилинган ҳужжатларга юксак баҳо беради. Чунки бу ҳужжатлар ҳозирги жаҳоннинг асосий масалаларига жавоб беради.

ҲАРБИЙ МАШҚ

ПРАГА, 26 июнь. (ТАСС). ЧТК агентлиги хабар беради. Чехословакия ғарбий ҳарбий округи моторлаштирилган ўқчи қўшилмаларининг тактика машқлари бугун тамом бўлди. Совет қўшинлари қатнашган машқлар жанговар ва сиёсий тайёргарлик планига мувофиқ, ўтди.

Чехословакия ва Совет қисмлари мустаҳкам ҳамкорлик қилиб, Чехословакия халқ армияси бўлинмалари штаби қўмондонлиги остида умумий вазифани бажардилар.



БРЮССЕЛЬ. Ваврa шаҳрида коммунистик газеталар «Драпо руж» ва «Раде-ваан» газеталарининг оммавий матбуот байрами бўлди. Шаҳар стадиони территориясида ўтказилган байрамга Бельгия компартиясининг раҳбарлари, кўпгина меҳнаткашлар келишди.

СУРАТДА: Ваврa шаҳридаги совет матбуоти стенди ёнида.

Е. Савченко фотоси. (ТАСС).

29 июнь—совет ёшлари куни

ПОЙТАХТ ЁШЛАРИ ТУҲФАСИ



Бахтимизни куйлаймиз.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

КПСС Марказий Комитетининг «ВЛКСМ нинг 50 йиллиги ва ёшларни коммунистик рухда тарбиялаш вазифаларн тўғрисида»ги, Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети XV пленумининг «Комсомолга партия раҳбарлигининг аҳволи ва бу раҳбарликни янада яхшилаш чораларн тўғрисида»ги қарорларни нишмнзда асосий қўлланма бўлди. Партиямизнинг оталарча ғамхўрлнги бизни янгидан-янги ғалабаларга илҳомлантирмоқда.

Шаҳримиз комсомол-ёшлари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб меҳнат совғаларн билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада қизитиб юбордилар.

Бу соҳада эришилган ютуқлар қуванарли. Биз ана шу меҳнат ютуқларимиз билан совет ёшларининг бугунги байрами кунида ҳақли равишда фахрланамиз.

Шаҳримиз комсомол-ёшлари завод-фабрикалардаги ўз дастгоҳларн ёнида тер тўкиб, ажойиб меҳнат совғаларн тайёрладилар.

Биринчи космонавт Ю. А. Гагарин номидаги «Таштекстильмаш» заводининг комсомол-ёшлари ёшлик байрамига «ПК—100» маркали олтита тўқимачилик машинаси тортиқ этдилар. Бу завод комсомолларн тўплаган комсомол жамғармаси ҳисобига завод ҳнёбонида Ю. А. Гагарининг бюстн ўрнатилдн. Корхона ёшларн икки кунлик дам олиш ҳафтасини кўнгилли уюштирнш мақсадида Иссиқкўл атрофидаги дам олиш уйини мавсумга ҳозирлаб қўйдилар. Эндилнкда бу ерда юзлаб ёшлар шанба ва якшанба кунларн мириқиб дам оладилар.

Куйбишев район комсомол-ёшларининг ташаббуси билан олтита спорт майдончаси қурилдн. Тўртта волейбол ва иккита баскетбол майдончаси тартибга келтирилдн. Туристлар уйини фойдаланишга топширишга ҳозирлаб қўйилдн. Соғломлаштириш спорт лагерининг қурилишн ҳам ниҳоясига етказилдн. Районнинг юзлаб комсомол-ёшлари бу ерда кўнгилли ҳордиқ чиқарадилар.

Тошкентда Октябрь инқилобининг бешинга бўлган —Октябрь революцияси номли завод ёшлари ўз байрамларн шарафнга иккита тепловозни сифатли ремонтдан чиқаришдн.

Шаҳримизнинг фахри бўлган В. И. Ленин музейи филиалн қурилишида кўплаб ёшлар фаол иштирок этяпти. Мингдан ортиқ комсомол шаҳримизнинг зарбдор қурилишларида фидокорона меҳнат қилаётир.

Ёшлик байрамнга Октябрь район комсомол-ёшлари тайёрлаган меҳнат туҳфаларнин ҳам алоҳида қайд қилиб ўтиш керак.

Райондаги трактор йигув заводи комсомол-ёшлари плндан ташқари саккизта трактор ҳозирлаб қўйдилар. Чинни заводи ёшлари В. И. Ленин портрети солинган иккита ваза тайёрладилар ва В. И. Ленин туғилган Ульяновск шаҳрига иккита сервиз совға қилиб юбордилар.

«Ташсельмаш» заводининг 4-цех комсомол етакчиси С. Вайхенберг ленинча меҳнат вахтасида турклб фидокорлик билан ишлаётир. У ёшлик байрамини смена топшириғини 170 процентга етказиб адо этган ҳолда кутиб олди. Коммунистик меҳнат зарбдорлари, комсомол аъзолари Т. Қурбонов, Л. Балнбердиналар ҳам смена топшириқларини 140—160 процентга етказиб бажардилар.

Ҳамза район ёшлари «Роҳат» кўлнни меҳнаткашларнинг кўнгил ли ҳордиқ чиқарадиган оромгоҳга айлантирдилар. Бу ерда «Комсомол шон-шарафи», «Юбилей» ҳнёбонларн барпо этилдн. «Роҳат» кўлини барпо қилишда индустриал техникумнинг 2-курс студентлари ва 149, 151, 156, 166-мактабларнинг ўқувчилари фаол иштирок этдилар.

Чилонзор район ёшлари Тошкент комсомоли 50 йиллиги номли маданият ва истироҳат боғида Н. Островскийга ҳайкал ўрнатдилар.

Шаҳримиз комсомол-ёшлари ўртасида ленинча зачет ўтказиш ҳаракати муваффақиятли давом этяпти. Ленинча зачет —комсомол-ёшларнн В. И. Ленин асарларини янада чуқурроқ ўрганишга ундайди.

Ленинча зачетнинг биринчи босқичи шаҳримиздаги «Узбекхлопкомаш», трактор йигув, «Таштекстильмаш» заводлари, тўқимачилик комбинати, 1-уйсозлик комбинати, врачлар малакасини ошириш институтида муваффақиятли якунланди.

Шаҳримиз комсомол-ёшларининг мамлакатимиздаги ва чет эллдаги ёшлар билан кундан-кунга мустаҳкамланиб боряпти. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган монгол ва совет ёшларининг III фестивали ёшларининг ана шу дўстлиги қанчалик мустаҳкам эканлигини яна бир бор кўрсатди.

Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик ёшлар Союзининг жанговар отряди бўлган Тошкент шаҳар комсомолн В. И. Ленин васиятларига ҳамиша содиқ бўлади. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини коммунистча яшаш, ишлаш ва ўқишда муносиб меҳнат совғаларн билан кутиб олади.

Э. УМАРОВ,
шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари.

Кишлоққа — кўплаб машиналар

МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИШ ТАЪМИНЛАНСИН!

«Ташсельмаш» заводининг коллективига беш йилликнинг тўртинчи йилида 10 мингта икки қаторлаб пахта териш машинаси ишлаб чиқаришдек, шарафли вазифа юклатилган. Агар, 1968 йилда завод 7 мингтадан ортиқ пахта териш машиналари ишлаб чиқаришга эришган бўлса, бу йил унинг ишлаб чиқариш қуввати 3 мингтага ортиши керак.

Ўзбекистон Компартия си Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг республика колхоз ва совхозларига кўплаб пахта териш машиналари етказиб бериш ва қишлоқ хўжалик техникаларини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорини амалга оширишда жонбозлик кўрсатаётган машинасозлар бу йил планга қўшимча 600 та пахта териш машинаси тайёрлаб бериш юзасидан олширилган мажбурият қабул қилганлар.

«14ХВ2,4» маркали тўрт қаторлаб пахта терадиган «Ўзбекистон» машиналарини корхона коллектнви завод ишлаб чиқаришини кенгайтирган ва реконструкция ишларини амалга оширган ҳолдагина муваффақиятли адо этиши мумкин.

«Ўзгипротяжпром» лойиҳа институти ва машинасозлик бўйича Давлат лойиҳалаш конструкторлик - технология бюросининг актив иштирокида «Укргипросельмаш» лойиҳа институти томонидан тузилган заводни реконструкция қилиш лойиҳасида завод территориясида бўлгани каби Сирдарё посёлкасида ва Чирчиқ шаҳрида илгари қурила бошланган объектлардаги ишларни тамомлаш ҳамда янги объектлар қуриш кўзда тутилган. Заводни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ишларини амалга оширишга 5 миллион сўм ажратилган.

Хўш, булар қандан объектлар экан?

Булар — 15 минг квадрат метр ҳажмда ишлаб чиқариш корпусидан ташкил топадиган шпинделли барабанлар ишлаб чиқарадиган цех. Ўқув-ишлаб чиқариш корпуси, маъмурий-маиший бинолар, қуюв цехининг қолиплаш материаллари сақланадиган омбор, тозалаш иншоотлари каби қурилиш объектларидан иборат.

«Ўзгипротяжпром» институти шпинделли барабанлар цехи ишлаб чиқариш корпусининг биринчи навбат қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатларини вақтида етказиб берди. Лекин лойиҳанинг технология қисми учун «Укргипросельмаш» институти ҳужжатларни жуда кечикиб берди. Ҳужжатнинг кечикиб топширилганлиги ускуналарга заявка бериш ва ускуналар учун фонд ажратиш муддатига салбий таъсир кўрсатди.

Шунингдек, ишлаб чиқариш корпусининг иккинчи навбат қурилиш лойиҳалари учун технология ҳужжатлари кечикиб олинди. Беш лойиҳачи — «Укргипросельмаш» институти муҳим объект қурилиш лойиҳасини кетга суриши оқибатида ускуналар олиш ва уларни ўз вақтида монтаж қилишга топшириш хавф остида турибди.

Шпинделли барабанлар ишлаб чиқариш корпусининг биринчи ва иккинчи навбат қурилиш ишларини «Главташкентстрой»нинг 3-трестига қарашли 23-қурилиш бошқармаси олиб боряпти. Ана шу объектда беш ой мобайнида амалга оширилган қудрат ишлари 125 процентни ташкил этади. Яъни, ҳандақ қазилди ва пойдеворларни монтаж қилиш ишлари бошлаб юборилди. «Главташкентстрой»га қарашли заводлар йигма темир- бетон конструкциялар етказиб беришни таъминлай олмаяпти.

Ўқув-ишлаб чиқариш корпуси, маъмурий-маиший бино, қуюв цехидаги қолиплаш материаллари сақланадиган омборни қуриш ишларини бажараётган 9-қурилиш трестининг 52-қурилиш бошқармаси бинокорлари ишни қониқарсиз олиб боришяпти. Қурилишдаги катта камчиликлардан бири — бу ерда тепаланиб ётган тупроқ уюмларини чиқариб ташлаш учун транспорт воситаларининг етишмаслигидир. Қурилиш майдонига брак темир бетон конструкцияларнинг келтирилиши маъмурий-маиший бино қурилишини кечиктириб юбормоқда. Завод да реконструкция ишларининг нормал бориши учун булардан ташқари яна бир қанча камчиликлар тўсқинлик қилмоқда.

Бу камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш заводда реконструкция ишларини ўз вақтида амалга оширишда муҳим иш ҳисобланади. Завод коллективининг қишлоқ хўжалиги учун машиналар ишлаб чиқариш юзасидан 1969 йилга қабул қилган мажбуриятини бажариши кўп жиҳатдан қурувчиларнинг ғайрат кўрсатишига боғлиқ.

Я. ТОЛСТОНОГ,
иқтисодчи инженер.

Жаҳон ойнаси

МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИНИ ЯРАТАЯПТИ

ДАР-УС САЛОМДА ТАНЗАНИЯ БИРЛАШГАН РЕСПУБ ЛИКАСИДА ЯҚИНДА ҲУКМРОН ПАРТИЯ ТАНГАНЬИКАНИНГ АФРИКА МИЛЛИЙ ИТТИФОҚИ (ТАНУ)НИНГ XV СЪЕЗДИ БЎЛИБ ЎТДИ. У ЯНГИ ҲАЁТ ҚУРИЛИШИГА ЯКУН ЯСАДИ ВА МАМЛАКАТНИ РИВОЖ ЛАНТИРИШНИНГ ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИ (1969-74) МАЪҚУЛЛАДИ.

Сакккизинчи йилдирки, Танзания мустақил ривожланиш йўлидан боряпти. Мамлакат мустамлака ўтмишдан мерос бўлиб қолган улкан қийинчиликларни енгиб ўтиши — қашшоқлик, миллий малакали кадрларнинг йўқлиги, айниқса аҳолининг 97 процентга яқини яшайдиган қишлоқ районларидаги ялпи саводсизликни тугатиши, чет эл капиталининг суқилиб киришига барҳам бериш керак.

Республика мустақил бўлган дастлабки йилларда ТАНУ партияси жамиятни кенг демократизациялаш, умуман экономиканн ва қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг программасини белгилади.

Олдинга қўйилган вазифаларни амалга оширишда социализм қурншни ўртага ташлаган 1967 йилнинг январида қабул қилинган Аруш декларацияси муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бунда хусусан, халқ фаровонлигини ошириш мақсадида қишлоқ хўжалиги ва саноатни янада ривожлантириш учун асосий ишлаб чиқариш воситалари устидан давлат назорати ўрнатиш уқтирилади.

Танзанияда ишчилар синфи бутун аҳолининг 2 процентини ташкил қилишига қарамасдан уюшганлиги ва жамоат ҳаётида актив иштирок этиши уни мамлакатда бахтли ҳаёт учун курашнинг олдинги сафларига қўяди. Танганьиканинг миллий ишчилар иттифоқи (НУТА) мана тўрт йилдирки, ўзининг ривожлантиришнинг Ишчи корпорацнялари орқали экономикадаги миллий позицияларни янада мустаҳкамлаш бўйича партия ва ҳукумат чиқарган қарорларни муваффақиятли амалга оширяпти. Иттифоқнинг аъзолари бўлган ишчиларнинг ихтиёрий берган взносларн ҳисобига эски савдо ва саноат корхоналари кенгайтириляпти, янгилари қуриляпти.

Иккинчи беш йиллик план шаҳар ва қишлоқ районларида минглаб турар-жой бинолари, магазинлар, даволаш муассасалари қурншни назарда тутади.

Ишчилар союзи Аруш декларацияси ғояларини актив пропаганда қиляпти, ўз бўлимлари бўлган корхоналарда меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиляпти.

Дар-ус Салом.

Э. РЯБЦЕВ,
АПН махсус мухбири.



Лаос ўзининг архитектура ёдгорликлари билан азалдан машҳур.
СУРАТДА: Вьентьяндаги XVI асрда қурилган Тхат Луанг мақбараси.

В. Овечкин фотоси.

ЛЕНИНИЗМ БАЙРОҒИ ОСТИДА

НАЙРОБИ. «Жанубий Африканинг тараққийпарвар кучлари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини инсоният озодлиги учун курашнинг буюк тарихий санаси сифатида нишонлайдилар,— деди Жанубий Африка Республикаси Африка миллий конгресси партияси ранси вазифасини ижро этувчи Оливер Тамбо Лусанада ТАСС мухбири билан қилган суҳбатида. — Ленин мустамлака ва қарам халқларни озод қилиш ишига жуда катта ҳисса қўшдики, буни бутун дунёда ҳамма тан олмоқда. Ленин марксизм асосчиларининг таълимотларини ижодий ривожлантириб, социалистик революция тўғрисида, капитал мамлакатларида пролетариатнинг синфий курашн ва мазлум халқларнинг миллий озодлик ҳаракати тўғрисида мукаммал таълимот яратди. Миллий озодлик революцияларининг тактика ва стратегиясини ишлаб чиқишда ҳам Ленининг хизмати борки, бугунги кунда Африкада империализмга, мустамлакачиликка ва ирқчиликка қарши курашаётган ҳамма кишилар амалда ана шу тактика ва стратегиядан дастур сифатида фойдаланмоқдалар. Ленин асарлари — революция дарслигидир».

«Жанубий Африка Республикасидаги оғир шароитларда, — деди О. Тамбо, — реакцион ҳукумат Ленин асарларинингина эмас, балки Ленин ғояларини ҳам тақиқлаб қўйган бир шароитда чинакам озодлик ва демократия учун курашаётган ҳамма кишиларга унинг таълимоти маълумдир. 1921 йилда Кейптаунда Африка қитъасида биринчи коммунистлар партияси — Жанубий Африка Коммунистик партияси асосланди. Бу партия Ленин ғояларини пропаганда қилишда жуда катта ишни амалга оширди...»

«Бизнинг курашимиз, Африкадаги барча халқларнинг озодлик ва мустақиллик учун нураши, деб сўзини давом эттирди О. Тамбо, бошида улуғ Ленин турган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг фарзанди бўлган социалистик лагерь бизга ёрдам кўрсатмаганида ҳеч қандай кучга эга бўлмас эди. Африкада миллий озодлик ҳаракатига нисбатан бўлган жаҳон социализмининг интернационал бурчи Совет Иттифоқининг озодлик учун курашчиларга кўрсатаётган жуда катта маънавий, сиёсий ва моддий ёрдами Ленин таълимотини амалда рўёбга чиқаришдир. Империалистик зулмни агдариб ташлаб, социализм йўлидан бораётган мамлакат тажрибасининг самарали таъсирида, Ленининг голибона байроғи остида Африкада бугун мустамлака нишонлари чилпарчин бўлмоқда».

ПРОГРЕССИВ КУЧЛАРНИНГ ТАЗЙИҚИ БИЛАН

ЛОНДОН. Смит режими ўзбошимчалик билан мустақиллик эълон қилганидан кейин орадан тўрт йил ўтгач, ниҳоят Англия ҳукумати Солсбери билан расмий муносабатларни тўхтатишга қарор қилди.

Ташқи ишлар ва миллатлар ҳамдўстлиги ишлари министри М. Стюартнинг умумпалатада сўзлаган нутқида айтишича, Англия ҳукумати Родезиядаги ўзинкинг элчихонасини ёпиб қўйишга қарор қилди. Родезиянинг Лондондаги элчихонаси ҳам ёпиб қўйилади. Стюарт Англиянинг Родезиядаги губернатори Хэмфри Гиббс истеъфога чиқишини ҳам айтди.

Родезиянинг республика деб эълон қилиниши масаласи бўйича Смит режими ўтказган «референдум» ва Родезия конституциясининг баъзи моддалари ўзгартирилганлиги Англия ҳукуматининг шундай қарор қабул қилишига расмий сабаб бўлди.

Бироқ маҳаллий обзорчилар Осиё ва Африкадаги миллатлар ҳамкорлиги мамлакатларининг, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ва жаҳон жамоатчилигининг Англиядан Солсбериданги ирқчиларга қарши қатъий чоралар кўришни талаб қилиб, Англия ҳукумати шъзнига қилаётган танқидларни лоақал бир мунча юмшатишга ҳукуматнинг интилаётганлиги Англиянинг шундай қарор қабул қилишига асосий сабаб бўлди, деган фикрни айтмоқдалар.

Бу ерда Лондоннинг Солсбери билан алоқани расмий равишда узиши Смит режимининг сиёсатига таъсир қилмаса керак, деган фикрни айтмоқдалар.

ТОШҚИН ОҚИБАТЛАРИ

ДЕҲЛИ. Манипур районидаги (Ҳиндистон) 5 мингга яқин аҳоли қаттиқ ёғингарчилик натижасида сув тошиб кетганлигидан бошпанасиз қолди. Конгба, Ирил ва Импхал дарёлари тошиб, мингга яқин уй-жой ва биноларни вайрон қилиб кетди. Қарийб 12 минг гектар майдондаги ҳосилга қаттиқ зарар етказилди.

Қўшни Ассам штатида, деб ёзади «Нэшнл геральд» газетаси, тошқин бўлиб ўтган бир қанча округларда оғир аҳвол юз берган.

(ТАСС).

ЁШЛАР ҒАЙРАТИ

Мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш борасида Яккабоғ район меҳнаткашлари бошлаган ажойиб ташаббус республикамизда кенг қулоч ёмоқда. Шаҳримизнинг Фрунзе районидаги 144-ўрта мактабнинг аҳил коллективи жорий ва капитал ремонтни 15 июлгача тугаллаш тадбирларини изчиллик билан амалга оширмоқда.

Мактабда иш қизғин. 500 дан ортиқ парта, стол, стуллар, кўргазмали қуроллар кўздан кечирилиб, ремонти тугалланган хоналарга жойлаштирилаётир. Мактабни янги ўқув йилига тахт қилиб қўйишда ўқитувчилар билан бир сафда юқори синфларда ўқийдиган комсомол-ёшлар ҳам алоҳида ўрнак кўрсатмоқдалар. Лола Ҳотамова, Дилором Абдураҳмонова, Ҳамдам Маҳкамов, Акмал Раҳмонбердиев, Санобар Маннонова сингари ўнлаб ёшлар ғайратидан педагогик коллектив ҳамда ота-оналар комитети беҳад миннатдор.

Қ. МАЛИКОВ.



«Ғалаба» истироҳат боғидаги Узбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси қошида «Узбекистон Фандар академиясн» деган бўлим очилди.

СУРАТДА: янги бўлим экспонатлари олдида.

ХИМИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИ СЕМИНАРИ

Ўзбекистон ССР Олий ва махсус ўрта таълим министрлиги ўқув-методика кабинети ТошДУнинг химия факультети қошида махсус ўрта ўқув юртлари химия ўқитувчиларининг семинарини ташкил қилди. Семинар 47 ўқув соатига мўлжалланган бўлиб, химия фани янги проблемаларини ўқитувчиларга етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Машғулотларда олимларимиздан профессор Ю. Юлчибоев, доцент И. Йўлдошев ва бошқалар ўзларининг қизиқарли лекцияларн билан бир қаторда, ўқитувчиларга химия фани соҳасида эришилган ютуқларни айтиб бердилар.

Булардан ташқари, семинар қатнашчилари Чирчиқ индустриал техникумининг химия лабораторияларида программа асосида амалий машғулотлар ўтказдилар. Семинарга ҳаммаси бўлиб 55 ўқитувчи қатнашди.

С. ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон ССР Олий ва махсус ўрта таълим министрлиги ўқув-методика кабинетининг катта методисти.

Қизиқарли конференция

Яқинда Октябрь районида Ўзбекистон маданий ва тарихий ёдгорликлардан сақлаш жамияти район советининг конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда район Совети раиси Д. Саъдуллаев ҳисобот берди.


Шундан кейин ревизия комиссиясининг ҳисоботи тингланди.

Музокарада сўзга чиққан ўртоқлар маданий ва тарихий ёдгорликларни ҳимоя қилиш ҳақида сўзладилар.

Йиғилиш охирида маданий ва тарихий ёдгорликларни сақлаш район Советининг янги состави сайланди.

А. РУЗИЕВ.

ФОТООБЪЕКТИВДА—КХДР





СУРАТЛАРДА: Пхеньяндаги Ким ир Сен номли университет корпусларидан бирининг кўриниши ва Пхеньяндаги Мангйондэ манзили.



● ОТЛАРГА КУЙ ЁҚАДИМИ?

● ХИЛМА-ХИЛ ХИВА ПУЛЛАРИ

● ОБ-ҲАВО ДАРАХТИ

Юрак ҳақида антиқа гаплар

ОРАМИЗДА шундай одамлар учрайдики, уларнинг ички аъзолари ғайри-табиий жойлашган бўлади. Юрак ўнг томонга ўгирилган бўлади, ошқозон, ичаклар йўналиши, шунингдек жигар, ҳам чап томонда бўлади. Бу ҳол медицинада ички органларни тамомила аксинча туриши дейилади. Демак, бу аҳволда кўр ичак касаллиги—аппендицит одатда ўнг томонда бўлмай, чап томонда бўлади.

Ички органларнинг тескари туриши ҳаёт учун мутлоқ зарарсиздир.

1926 йили Европа газеталарида камдан-кам учрайдиган бир юрак патологияси ёзилган эди. Прагалик бир аёл фарзанд кўрган. Боланинг юраги кўкрагининг ташқарисига жойлашган экан. Унинг фаолияти суст бўлиб, бадан ҳарорати эса 40 даража атрофида бўлган.

1967 йили Белград яқинидаги Жарков шаҳридан бир қизиқ хабар келди. Рамо Ёсма деган ёш боланинг юраги иккита экан. Юракларнинг бири одатдагича чап томонда, иккинчиси ўнг томонда экан. Иккала юрак ҳажм жиҳатдан нормал юракдан кичикроқ бўлиб, вазифасини бемалол бажарар экан.

Италиянинг Турк шаҳридаги бир клиникада врачлар Люгия Лонго исмли студент қизни бир ярим ой давомида уч марта ўлимдан сақлаб қолишди. Қизнинг юрагида клапанлар нотўғри ишлаганн учун тўхтаб қолар эди. Врачлар электрон регулятор ёрдамида юракни бир маромда ишлашга йўлладилар.

Юрак фаолиятини яхшилаш ниятида тери остига жажжи электр станция қўйиш мумкин. Электр станция томирларнинг урушидан нафас олиш ҳаракатидан қувват олади.

Инглиз биологи Бель юрагини хоҳлаган пайтда секинлаштира билган. Физиолог Чермак юрагининг урушини бир қадар ҳам тўхтата, ҳам секинлата билган. Инглиз полковниги Таусенд юрагининг урушини узоқ муддатгача тўхтатиб қўяр экан. Шунда у ҳушидан кетар, муздай совуқ қотиб қолар экан. Бундай ҳолат бир неча соат давом этгандан сўнг, у яна ўз аслига қайтаркан. Кунлардан бир куни у, шу тариқа тажрибалар кўрсата туриб, кечқурун иттифоқо ўлиб қолган.

Зарифа ЭГАМБЕРДИЕВА,
Медицина фанлари кандидати.

СУРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ШИША ИДИШЛАРНИ ҚАЕРГА ТОПШИРИШ КЕРАК

Кўпчилик ҳолларда аҳолидан шиша идишларни қабул қилиб олиш қоидаларни бузилаётганлиги ҳақида редакцияга тез-тез хатлар келиб турибди. Шу муносабат билан СССР савдо министрлиги, СССР озиқ-овқат министрлиги ва Центросоюзнинг 1968 йил 7 майда чиқарган «Савдо ташкилотлари томонидан аҳолидан консерва маҳсулотларни ва бошқа шиша идишларни қабул қилиш ҳамда саноатга қайтариш ҳақидаги 52—Р-инструкциясини баён қиламиз».

Консерва, джем, мураббо ва бошқа консерва маҳсулотлари билан савдо қиладиган барча системадаги савдо ташкилотлари ҳамма ерда, сўзсиз, чегараланмаган миқдорда аҳолидан қуйидаги шиша буюмларни қабул қилиши керак: 0,5 ва 1 литр ҳажмдаги шиша консерва банкалари, қопқоғи ишлатилиши мумкин бўлган идишлар (бурама оғизли банкалар қабул қилинмайди):

3, 10 ва 15 литрли оғзи машина билан ва тунука қопқоқ билан беркитилиши мумкин бўлган, консерва маҳсулотлари солинган баллонлар (шишалар), шунингдек, оғзи қўл билан беркитиладиган, қопқоқ ёки пўкак билан беркитиладиган идишлар;

0,25; 0,5 ва 1 литрли тунука қопқоқ билан ёпилиши мумкин бўлган консерва шишалари;

0,2 литрли тунука қопқоқ билан ёпиладиган стаканлар. Барча системадаги савдо ташкилотлари ароқ, ликёр, мусаллас, наливка, коньяк, шампанское, пиво идишларини, минерал сувлар билан савдо қиладиган ташкилотлар эса ўсимлик мойи, мева ва сабзавот қиёмлари, шарбати солинган идишларни экстракт идишларнинг ранги, формаси, ҳажми, этикеткасидан қатъий назар чегараланмаган миқдорда қабул қилишлари шарт.

● *Фойдали маслаҳатлар*

ДАЗМОЛ ҚИЛИШНИ БИЛАСИЗМИ?

Сарлавҳага кўзингиз тушиши билан ажабланасиз. Дазмол қилиш ҳам қийин бўптими, дейсиз! Бироқ ҳамма ҳам кийимни тўғри дазмоллайвермайди.

Шунинг учун кийимларни дазмол қилиш борасида баъзи маслаҳатларимиз бор.

Устингиздаги кастюмни бир ойда икки, шимни эса ҳафтада бир марта дазмол қилиш тавсия этилади. Қиздирилган дазмол ҳўл дока орқали ишлатилади.

Дазмол қилаётганингизда, уни бир жойда кўп ушлаб турманг. Дока қуримасданоқ дазмолни олиш керак.

Кастюмни дазмол қилишни унинг енгидан бошлаш лозим. Дазмол қилиш жуда қулай бўлиши учун дока ўрнида юпқа одеял ишлатилиши маъқулроқ. Шимнинг дастлаб тизза қисми дазмолланиши. Сўнгра ҳар почасига алоҳида дазмол босиб, «ўткир» қилиш мумкин. Кўйлакни ҳам енг қисмидан унчалик қиздирилмаган дазмол билан дазмоллаш керак. Ёқа қисми эса қайтарилган ҳолда дазмол қилинади.

Нейлон кўйлакларни дазмоллаш тавсия этилмайди.

БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

Чой ичиб ўтирган эдим, бехосдан пиёла қўлимдан сирғалиб тушиб чил-чил бўлди. Буни кичик синглим Маъсуда ҳам кўриб турган экан.

— Дадамга айтиб бераман, — деди у.

— Дадамга айтмасанг, мен сенга каттакон қўғирчоқ олиб бераман, хўпми, келишдикми, — дедим уни ишонтиришга уриниб.

Кечки пайт у ишдан қайтган дадамни сўроқ қила бошлади.

Дада, морожний обкелдизми?

— Йўқ қизим, магазин ёпилиб қолибди, бугун ишдан кеч чиқдим.

— Ундай бўлса,— деди укам хўмрайиб,— мен сизга акамнинг пиёла синдиргакларини айтиб бериб бўпман.

Қ. ОБИДОВ.

● ЭКРАН ЯНГИЛИКЛАРИ

«ТЎЙ КУНИДА»



Бу фильм сценарийси театр драматурглардан бири Виктор Роповнинг «Тўй кунида» деган пьесаси асосида ёзилган. Режиссёр Вадим Михайловнинг маҳорати фильмда яна бир марта яққол кўзга ташланади.

«Тўй кунида» пьесаси традицион усул асосида қурилган: воқеалар содир бўладиган жойлар тез-тез ўзгариб турмайди, диалог ва монологларга кўп ўрин берилган.

Бир йигитни бир қиз севиб қолади, кейинчалик қиз йигитнинг кўнгли ўзга бир қизда эканлигини билади ва тўй куни мажбуран севиб бўлмаслигини, кўнгилга қараб иш тутиш лозимлигини тушунади. Қиз йигитни озод этади.

Зўр истеъдод билан ёзилган асарлар фақат «нима учун» эмас, «қандай қилиб севиб қолди?» деган қўшимча саволларга ҳам жавоб беришни талаб қилади, шекилли. Дарвоқе, қандай қилиб севиб қолди, қандай қилиб ажралишди? Ёки қандай қиз қандай йигитни севиб қолди? Нима учун куёв тўй куни келинга жавоб бериб юборади? Бу саволларнинг ҳаммасига фильмни томоша қиларкансиз жавоб топасиз.

Фильм «Ленфильм» киностудияси томонидан суратга олинган.

«ТОНГГИ УЧРАШУВЛАР»

«Мосфильм» киностудияси ишлаган мазкур фильм сценарийсини Анатолий Кузнецов ёзган. Эдуард Гаврилов ва Валерий Кремнёвлар режиссёрлик қилган.

Фильм бугунги қишлоқ ҳаётига бағишланган. Бош қаҳрамон Галя Макарова бир пайтлар онаси яшаган қишлоққа келади. У ўзининг меҳнатсеварлиги, ростгўйлиги ҳаракатчанлиги билан фермада обрў қозонади. одамлар ишончига сазовор бўлади.

Фильмнинг асосий мақсади Галянинг муҳаббати тарихини кўрсатишдир. Бу қудратли муҳаббат унга бахтли сониялари ҳам, аччиқ айриликдамларини ҳам келтирди. Бироқ ҳаётга бўлган муҳаббати сўнмади. У ўз иродасига суяниб иффат ва инсонийлик қадр-қимматини сақлаб қолди.

„ҚАШҚИР НАЪРАСИ“

Сценарий муаллифлари: Данута ва Александр Сцибор-Рильскийлар.

Режиссёр Сцибор-Александр Рильский.

1948 йил. Бўм-бўш бир шаҳарча, Шаҳардаги тартиб-қоидаларни чегарачилар назорат қилиб турибдилар. Бу ерга бандитлар билан курашда иштирок этган Слотвин келади. Мана шу пайт шаҳарда кескин ўзгаришлар содир бўлади. Милиция пости эндиликда бандит Моронь қароргоҳи бўлиб қолган. Аввалларги шу постда Слотвиннинг ўртоғи командирлик қиларди. Бандитларнинг қилмишларидан хабар топган Слотвин уларни йўқ қилишга аҳд қилади. Бандитлар бир блинджага яшириб қўйилган ҳарбий отряд кассасини излаётгани ҳам Слотвинга маълум бўлади.

Ниҳоят, Моронь бандаси тор-мор этилади. Бу курашда Слотвин ғалаба қозонади.

Ролларда: Бруно Оя, Ирена Карель, Збигнев Добжинский, Марек Перепечко.

Польшанинг «РИТМ» ижодий коллективи маҳсулоти.



СУРАТДА: фильмлардан кадрлар.

ХАНДАЛАР

— Бугун врач ҳузурига боргандим, у никита тишимни суғуриб олса бўладими!

— Нега, сенинг битта тишинг оғирди-ку!

— Нима қилай, Врачнинг эллик кронга майдаси йўқ экан-да!

* * *

Эр уйга келган заҳоти хотинига ҳовлиқиб деди

— Бир хурсанд қилиб қўяй дейпман, сени. Биласанми нима демоқчиман! Яқинда ойлигим ошармиш. Буни менга бошлиқ айтди. Тўғри, шу билан бирга у менга кичкинагина шарт ҳам қўйди, бунинг учун мен унинг қизига уйланишим керак экан.

* * *

— Яна маст бўлиб келдингми! Сен бугун бўён бошқа одам бўлишга сўз бергандинг-ку!

— Мен-ку бошқа бўлишга бўлдим, лекин бошқа одам ҳам ичишни бошлади-да.

* * *

— Трамвай тўхтамагунча сакраманг!

— Мен касалхонага шошиляпман!

— Эй, ундай бўлса марҳамат.

Русчадан Нафиса Жалилова таржимаси.

ҲАР ТЎҒРИДА

Об-ҳавони билдирувчи ўсимлик

Керч шаҳрида мен кўпни кўрган дегизчи томонидан ясалган «ўсимлик барометри» билан танишишга муваффақ бўлдим. Кўринишдан унча мураккаб бўлмаган приборни металл пружинали барометр — анероид бўйича тайёрлаган.

Бу приборнинг сезгир элементини табиатнинг ўзи яратган. Бу қуритилган, ясси қилиб спиралга айлантирилган чалавдир (ковильдр).

Бундай спирал атмосферадаги ҳавонинг бутун ўзгаришларини жуда аниқлик билан сезади. Ҳаво очиқ бўлганда у бураліб қолади ҳавода намлик ошаборіши билан у бўшаша бошлайди. Шунинг учун дегизчи чалав спиралининг ички қисмига енгил қоғоз милини ўрнатди. Ўсимликнинг ташқи учини ўзига хос бу приборнинг панелига мустаҳкамлади. Сўнгра у приборни кўрсатгич милининг ҳаракати бўйича мослаштирди. Панелда: ёмғир, ўзгарувчи, ҳаво очиқ... деган сўзлар пайдо бўлди. Бу ясама прибор уни ҳеч қачон алдамаган.

А. ПРЕСНЯКОВ.

ШОЙИ ПУЛЛАР

Соликамскда яшовчи коллекциячи-бонист К. В. Антипинда 1918—1921 йилларда Хивада чиқарилган шойи пуллар ларининг камёб коллекцияси бор.

...Ўша вақтларда К. В. Антипин Хивада фельдшер бўлиб ишлаган эди. У ҳарфлари ва суратлари озгина бўлса ҳам бир-биридан фарқ қиладиган пулларни алоҳида папкага тўплаган. Шундай қилиб коллекционерда шойи парчасига босиб чиқарилган 200 га яқин хилма-хил Хива пуллари йиғилиб қолган. Улар орасида пулнинг қиймати 2,500 танга турадиган камёб нусхаси ҳам бор.

(«Красная звезда» газетасидан).

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Қаттиқ гўштни сиркалаб пиширсангиз юмшоқ тортади.

* * *

Тозаланадиган балиқни иссиқ сувга ботириб олинса тангачалари осонлик билан кўчади.

* * *

Нўхот, мош, ловия каби дуккакли дорларни иссиқ сувда ивитиб бўлмайди. Қотиб, пишиши қийин бўлади.

* * *

Шиша ва металл идишларни ғижимланган қоғоз билан артсангиз топ-тоза бўлади.

* * *

Пачоқ тухум оқиб кетмаслиги учун уни тузли сувда пиширинг керак.

* * *

Агар сут ачиб қолган бўлса, уни тўкманг. Хамирга ишлатсангиз, бундай хамир янги сутга қорилган хамирдан фарқ қилмайди.

* * *

Ҳаддан ташқари сершёр бўлиб кетган палов ёғ гуруч солишдан олдин бир нечта картошке арчиб солинг, ёғни тортиб олади.

* * *

Идиш ювганингизда сувга бир оз туз солинг, идишнинг кири тез кетади.

* * *

Ёғларни мис идишларда сақламанг, сифати бузилади.

* * *

Дорланаётган ёғингиз сачраб кетмаслиги учун қозонга пича туз солинг.



Ҳар доим бўлсин чўёш. М. Нуриддинов фотоси.

РАССОМ ХАНДАСИ



— Жоронка, маошингиз неча пул!

— Менку-я, ишламаймам-а—мамамни ойликлари...



— Бобой, нахотки вагонда бирор эркак топилмаса — сизга жой бўшатиб берадиган...



— Сўзсиз сурат.



— Ойи, дадамлар ўйинчоғимни бермаяптилар...



МАСТ: — Ўз эгангни ҳам қопасанми, итвачча!!!

ХОТИНИ: — Ажаб килади — хўп, қилади, ароқ ичган одамни ит ҳам ёқтирмайди-да!.. да даси!..

Рассом А. Холиқов

Мусиқий от

(ТРЕНЕР ЕН ДАФТАРИДАН)

Куйловчи отлар ҳақида ҳеч гап эшитганмисиз?

Мен ҳам ҳеч нарса эшитганим йўқ.

Куйловчи итлар бошқа гап. Агар ўқиган бўлсангиз, Жек Лондон асарида ит машоққа жўр бўлиб увиллагани, ҳатто куйга тушиб увиллагани тасвирланади. Мен куйловчи итларни учратганим йўқ, аммо музикага қобилиятли отни учратганман.

Қулоқ солинг.

У жуда мағрур ва ўжар от эди. Турган-битгани жаҳл. Атрофида тўпланган одамларга менсимагандек кўз қири билан қараб, хотиржам турарди. Ўзи тим қора, жунлари ялтирарди.

— Одамларнинг айтишича, колхозда отбоқарни тепиб, тиззасини синдириб юборганмиш.

— Ҳа, оёғини гипслаб қўйишган, суягининг битиши қийин бўляпти.

Аммо от жуда келишган, чиройли эди. Мен яқинроқ бордим. От ишонч билан елкамга тумшуғини тегизди. Буни кўриб ўзимнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам ҳафсаласи пир бўлиб кетди. Шу пайт унинг тишлари елкамдан олди. Мана, бошланди, деб ўйладим. Аммо у ҳамон хотиржам турар, лекин елкамни ҳам қўйиб юбормасди. Оғриқ сезмадим. Бироқ елкамдан отнинг тишлаб туришн кўнгилсиз эди. Чап қўлим билан бўйнини оҳиста силадим. Ўша замони қўйиб юборди.

Энди сени тушундим, бу қўл бериб кўришгандек гап. Бунинг маъноси шуки, сен мендан қўрқмайсан. Мен билан дўстлашишга ҳам тайёрсан.

Ўшандан буён бир-биримизни яхши тушунадиган бўлиб қолдик. Уни Қоракўш деб аташарди. Қора шамол ёки Қора камолот деб атаса ҳам хато бўлмасди — шунақа чопқир ва чиройли эди. У ҳақида кўп гапиришим мумкин. Биринчи марта минганимда Қоракўш қанақа қилиқлар қилганини айтиб беришим мумкин. Эҳ-ҳе қанча кўзойнагу, қанча соатим синган. Нақадар ақлли эди у. Чавандознинг оти билиши зарур бўлган барча мураккаб элементларни уч ҳафта ичидаёқ ўрганиб олди. (Айтиб қўяй, ёшлигимданоқ чавандозлик қилганман. Отга ўшанда ишқим тушиб қолган. Ҳозир ҳам тренерлик қиламан, отларни ва ўргатаман). Ана шулар ҳақида гапирсам ҳикоям чўзилиб кетиб, кўнглингизга тегиши мумкин. Мен эса бошқа ҳақда гапирмоқчиман.

— Текин зотли отларнинг ҳаммаси шунақа, тоскора, бирорта яхшиси учрамайди.

— Ҳа, улар билан ишлаш жуда қийин.

— У билан муомала қила билиш керак.

— Худди аёлларни ардоқлагандек эркалатиш керак.

— Аммо жуда чиройли от-да, сакрашини айтмайсизми!

— Қўполликни ёқтирмайди

— Отларнинг оқсуяги.

Бундай гапларни тезтез эшитиб тураман. Бу гапларга қўшилмай илож йўқ.

Қоракўш ҳам Ахалтекин зотидан, бунинг устига чинакам оқсуяк эди. Фақат оқиб турган сувни ичарди.

Суғориш вақтида отни тинчлантириш учун оҳиста ҳуштак чаламан. Бирорта янги куйни эшитсам, ўшани ўргатаман. Ҳатто қулоқларини осилтириб, кўзларини юмиб олибди. Яна ҳуштак чала бошладим. От эса тинглаяпти. Маза қилганидан пастки лаблари ҳам осилиб кетибтиди. Жуда қизиқ-ку! Мен бу сафар «Рябинушка» деган рус кўшиғи куйини чалаётган эдим. Мен рус халқ кўшиқларини яхши кўраман. Содда, чўзиб айтилади. Чамаси бу куй отга ҳам ёқиб қолибди. Куйни чалиб бўлганимдан кейин у худди одамларга ўхшаб чуқур хўрсинди. Тўйиб йиғлаб, сўнг тинчланган боле шундай қилади. От минатдорчилик билдиргандай, лаблари билан тугмамнинг ўйнади. Ёқмай кетсин-е!

Аста-секин Қоракўшнинг севимли куйларини билиб олдим. Менга ёқадиган куйлар унга ҳам ёқиши қувонтириб юборди. Серенадалар, ариялар, романслар унга айниқса ёқарди. Бир куни бундай бўлди. Мен Пьеха репертуаридаги янги куйни ҳуштак қилиб чалдим. Бу кўшик сизнинг ҳам ёдингизда бўлса керак. Унда болалик ҳақида, болалик шаҳри тўғрисида, катта бўлиб қолганимиз учун у ерга боришга бизга билет сотмайдиган касир ҳақида куйланади.

Ҳуштак чалишни тўхтатишим биланоқ от бурни билан қорнимга туртди. Демак яна такрорлашимни сўраяпти. Бунинг устига олдинги оёғини кўтарди. Одатда канд сўраганда шундай киларди. Лекин берган қандимни олмади. Начора, куйни яна такрорлашга тўғри келди.

Қоракўш яна болалар каби оғир хўрсанди ва кўзларини юмиб, лабларини осилтириб олди. Катта сариқ тишлари кўриниб қолди. Тиши шунақа ифлосу музика тинглаганига доғман!

* * *

Отпускадан барвақт, иш бошлашдан тахминан бир ҳафта олдин кейтдим. Келган кунимок отхонага кирдим.

Деярли ҳамма ишда экан. Четдаги охирга томон шошилдим. У ерда қипиқлар устида Қоракўш оёғини чўзиб ётарди.

— Бугун кечқурун оғирлашиб қолди.

Орқадан кимнингдир хиралдоқ овози эшитилди. Бу ўз одамларимиздан эди. Лекин мен ҳеч кимни танимадим. Ҳеч нарса юрагимга сиғмас эди.

Отпуска давомида мен кўпгина от заводларида бўлдим. Ўзимга яна бир от қидирдим Чамаси Қоракўш буни сезган-у, вақтида мендан ажралган.

Бир ҳафта уйда ўтирдим. Ҳеч каёққа борма дим. Озиб кериб кетдим. Кизлар энди аввалгидек менга қувноқ қарашмас, аёлларнинг менга раҳми келар. эркаклар эса мени кўрмаганга олиб ўтиб кетишарди...

В. КОРЕНЬ.

● *Табиатшунос ён дафтаридан*

ХЛОРЕЛЛА

Инсон нормал ҳаёт кечириши ва соғлом яшаши учун энг аввало ҳаводаги эркин ҳолдаги кислороддан тўлиқ баҳраманд бўлиши керак. Бу кислород ҳаводе қаердан пайдо бўлади? Унинг манбаи нима?

Биз яшил дўстларни жуда ҳам яхши биламиз. Улар битмас-туганмас кислород манбаидир. Дарахтлар ҳаво таркибидаги инсон учун зарарли бўлган карбонад ангидрид газини ютиб, ўзидан кислород газини чиқаради ва ҳавонинг таркибини тозалаб туради. Бу эса, кишиларнинг тоза ҳаво билан нафас олишига имконият яратиб беради.

Хлорелла ўсимлиги ҳам ана шундай инсон саломатлиги учун хизмат қилувчи ўсимликдир.

Хлорелла яшил сув ўтлар туркумига мансубдир. У бир ҳужайрали яшил ўсимлик бўлиб, жуда ҳам тез кўпайиш хусусиятига эга. Агар қулай шароит бўлса, хлорелла ҳар 3-4 кунда етилаверади. У доимо ямяшил бўлиб, денгиз ҳавзаларидаги сувни ҳамда ҳавони тоза кислород билан бойитиб туради.


Ҳозирги вақтда космосни ўзлаштириш устида олиб борилаётган ишлар шуни кўрсатадики, фазода инсоннинг яшаши учун яшил сув ўтлари бўлиши керак экан.

1960 йилда учирилган космик кемада хлорелла ўсимлиги жойлаштирилган эди. Унинг биокосмик аҳамияти шундан иборатки, фотосинтез процессининг тезлашиши натижасида инсон организми учун керак бўлган витаминга бой озуқа - моддаларини вужудга келтиради. Узидан эркин ҳолдаги кислородни ажратиб, ҳаво таркибини бойитади.

Бундан ташқари, хлореллаларнинг озуқали қобилияти жуда ҳам юқори бўлганлиги сабабли, чорва молларни йил давомида яшил озуқа билан тўла таъминлаш имкониятини беради. У билан озуқланган моллар жуда яхши семиради.

Хлорелла ўсимлигининг юқоридаги аҳамияти уни ҳар томонлама ўрганишни талаб қилмоқда. Ҳозир республикамизнинг Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент областларида бу ўсимлик устида тажриба ўтказилиб, мукаммал ўрганилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ботаника илмий текшириш институтининг бир группа илмий ходимлари хлореллa ўсимлигини ҳар томонлама ўрганиш устида иш олиб бораётирлар. Тошкент шаҳрида хлорелла ўстириладиган установкалар қурилган бўлиб, унда чорва моллар озиқлантириб турилади. Шунингдек, космосни ўзлаштиришда хлорелла ўсимлигидан кенг фойдаланиш устида ҳам жуда катта ишлар қилинмоқда. Илмий ишнинг мақсади бу ўсимлик ёрдамида фазода инсоннинг яшаши учун қулай шароит яратишдан иборатдир. Яқин келажакда олимларимизнинг бу орзу истаклари рўёбга чиқади.

С. УМИРҚУЛОВ.



ХОРАЗМ ОБЛАСТИ. Урганчдаги «Дружба» пионер лагерида 200 ўғил-қиз дам олянти. Бу ерда мактаб ўқувчиларининг жисмоний жиҳатдан тайёрлаш ва маданий дам олишига катта эътибор бериляпти.

СУРАТДА: пионер лагерида эрталабки жисмоний тарбия.

К. Отаев фотоси, (ЎзТАГ).

Реклама ва эълонлар

РАДИО

28 ИЮНЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Ўзбек давлат филармонияси солистларининг концерти. **18.40** Спорт эшиттириши (ўзбекча). **19.20** Ўзбекистон композиторлари операларидан парчалар. **20.00** «ЛЕНИННОМА» программаси (ўзбекча). **20.40** Қўшиқ ва рақслар (ўзбекча). **21.00** «Қардош социалистик мамлакатларда» (ўзбекча). **21.10** Пахтакорлар учун концерт. **22.20** СССР санъат усталарининг концерти. **23.10** «Шанба оқшомида» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 ЎЗБЕКИСТОНДА МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИ. Д. Нацагдорж. «ҚОЯ» номли ҳикоя (ўзбекча). **19.30** «Звезда Востока» журнали саҳифаларида (русча). **20.00** Тожик халқ куйлари. **20.30** Озарбайжон куйлари. **20.50** «Проблемалар, тадқиқотлар, ўйлар» (русча). **21.00** «Юрий Гуляев куйлайди» деган концерт-очерк. **21.40** Совет Ешлари кунига бағишланган адабий-музикали эшиттириш (татарча).

29

ИЮНЬ

ЯКШАНБА

СОВЕТ ЕШЛАРИ КУНИ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **7.45** «Мактаб ва жамоатчилик» деган эшиттириш. **8.25** «Ассалом, ёшлик байрами» деган концерт. **9.30** Шарқ куйларидан концерт. **10.10** «ТАБАССУМ» радионажурнали. **11.35** В. Мейен. «Ассалом, келажак!» кантатаси. **12.15** «Эртадабки салом!» (Москва). **13.30** Радио эшитувчиларнинг хатлари асосида концерт. **15.00** «Бизнинг радиопочта» (ўзбекча). **15.10** «Бахтиёр ёшлигим» деган музикали-адабий композиция (ўзбекча). **15.50** «Олмалиқ зарбдори» (русча). **16.10** «МОНГОЛИЯ ТУПРОҒИДА» деган радиокомпозиция. **17.40** Экран янгиликлари.

18.00 «Музикали глобус» (ўзбекча). **18.40** А. Шаверзашвили. Фортепьяно ва оркестр учун концерт. **19.20** Эш ижрочилар концерти (ўзбекча). **20.00** «ЕШЛИК» радиостанциясининг Совет Ешлари кунига бағишланган программаси. **20.40** Ватан ҳақида қўшиқлар (ўзбекча). **21.00** «Мамлакатлар ва қитъалар» (ўзбекча). **21.10** Дала меҳнаткашлари учун концерт. **22.20** «Табассум» радионажурнали. Такрорий эшиттириш. **23.20** «Хайрли кеч» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Ёшлар учун концерт. **9.15** Реклама ва эълонлар.

19.00 Москва. Халқаро шарҳловчилар даврасида. **19.30** Бутуниттифоқ радиоси солистлари ва эстрада оркестрининг концерти. **20.00** «Юность» радиостанциясининг программаси (Москва). **21.00** Дам олиш концерти. **21.40** Э. Салихов. «Собир Раҳимов хотираси» симфоник поэмаси.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 Ўзбек классик куйлари. **14.30** «Алишер Навоий» спектаклининг монтажи. **16.00** «Ленинномa» программаси; **16.30** «Рус симфониясн» деган музикали радиопостановка. 2. «Лев Толстой ва музика» деган эшиттириш.

18.00 «Табассум» радионажурнали.

ТЕЛЕВИЗОР

28 ИЮНЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.10 «ЕШЛИК» студиясн кўрсатади. «Истиқбол эгалари» тележурнали. **19.00** Телевизион янгиликлар. **19.15** Сирдарё область, Жиззах район «ГУЛБАРГИ» ансамблининг концерти. **19.55** Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Футбол бўйича СССР кубоги учун. Танаффус вақтида янгиликлар. **22.30** Эфирда «Молодость». **23.30** Социализм дунёси. **24.00** Телефильмлар Бутуниттифоқ учинчи фестивали мукофотига сазовор бўлган фильмлар. «Ўйга томон йўл». Бадиий телефильмнинг 2-сериясн. **00.50** «Огонёк». **02.00** «Новости дня» киножурнали. **02.10** «Кечки Ленинград». Эстрада концерти. **03.00** Фақат фактлар, кўрсатувлар программаси. **03.15** Москва кўрсатишларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

18.00 СССР халқлари атласи. Догистон АССР. **18.30** Рангли телевидение программаси.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 В. И. Ленинининг сафдошлари. **20.15** Реклама. **20.35** «Соат ярим тунда тўхтаб қолди». Бадиий фильм. **22.10** Ялла ва рақслар.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

Тожик тилида: 20.30 Беш йиллик илғорлари. **20.45** Эфирда —«Молодость». **21.15** Янги таржималар. **21.35** Концерт. **22.25** Янгиликлар. **22.40** «Тожикистон — менинг ифтихорим».

29

ИЮНЬ

ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 10.00 Болалар учун эшиттириш. **10.25** «Сен бизникига бемалол келавер». Телефильм. **11.40** «Балтика ҳақидаги қўшиқлар». Кинофильм. **12.00** Пойтахтимиз меҳмонлари. Танаффус вақтида болалар учун. «Қувноқ дельфин» кинофильми.

Ўзбек тилида: 13.45 Болалар учун. Ёзувчи Зафар Диёр ижоди ҳақида эшиттириш. **14.25** Совет Ешлари кунига. «Тиним билмас юраклар». Кинофильм. **14.45** «Олтин далалар». Қозоқ тилида. **16.55** Кўрсатувлар программаси. **17.00** «ЕШЛИК» студиясининг Совет Ешлари кунига бағишланган эшиттириши.

18.00 «ЎЗБЕКИСТОНДА МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИ МУНОСАБАТИ БИЛАН. «Моренхур нималарни ҳикоя қиладн». Ҳужжатли фильм.

Рус тилида: 19.10 «Ахборот» информацион программаси. **19.40** «Ўн иккинчи кеча». Бадиий фильм. **21.05** Қишлоқ меҳнаткашларининг ленинча вахтаси.

Ўзбек тилида: 21.25 «Ахборот» информацион программаси. **21.55** Огаҳий номидаги Хоразм область театри артистларининг концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАР ПРОГРАММАСИ

10.10 Абитуриентлар учун ўзбек ва рус тилларида физикадан машғулотлар.

12.00 Болаларнинг эрталабки гимнастика машғулотлари. **12.15** Янгиликлар **12.30** Ўқувчилар учун «Будильник». **13.00** Музикали киоска. **13.30** Ўқувчилар учун. Ленинград қўғирчоқ театри артистларининг концерти. **14.00** Трактор ишлаб чиқарувчи гигантлар спартакиадаси. **15.00** СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидан РСФСР областларининг фольклор байрами олиб кўрсатилади. **16.00** Қишлоқ янгиликлари. **17.00** Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун эшиттириш.

17.30 Рангли телевидение программаси. **19.00** «Сенга, ёшлик!». «Оқ йўл!». Ўрта мактабларни битирувчиларининг бали. **20.00** «Вақт» информацион программаси. **20.30** Рангли телевидение программаси. Киносаёҳатчилар клуби. **21.30** Эфирда «Молодость», Совет Ешлари кунига бағишланган сони. **22.15** «Публицист» студиясн кўрсатади **23.15** Европа, воқеалар, мамлакатлар, проблемалар. **24.00** Эфирда «Молодость». «Публицист» студиясн кўрсатади. (эшиттиришнинг давоми). **01.00** Москва кўрсатишларининг охири

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.

Рус тилида: 17.00 Экран — болаларга. **17.20** «Кечки Фрунзе». **18.00** Телефильм. **18.45** Эфирда — «Мелодия». **20.05** Кўрсатувлар программаси.

Қирғиз тилида: 20.10 Олов қалбли ёшлик. **21.00** Телефильм. **21.45** В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан. «Оқинлар Ильични шарафлайди». **22.10** Фрунзе кўрсатувларининг охири.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 29/VI да **Травиата**, 30/VI да **Риголетто**, 1/VII да **Чио-чио-сан**.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —29/VI да **Мария Стюарт** 1/VII да **Шоҳ Эдип**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА (ёзги бинода) —**Огаҳий номли Хоразм область музикали драма ва комедия театрининг гастроллари**, 29/VI да **Қайнона**, 30/VI да **Ғурбатда ғариб** —**Махтумқули**, 1/VII да **Қайнона**.

Кино

28 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Героин — «ЧАЙКА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кеч 6 да), «МОСКВА» (кеч 7 да).

Учрашув манзили —**Женева** — «ДРУЖБА» (кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кеч 6 да).

Тўй кунида — «ВОСТОК», «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Рошфорлик қизлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун), «МОСКВА» (кеч 9 да).

Сангам (1-2-3 сериялар)— НАВОИЙ номли (кечқурун);

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10,40 минутлардa бошланади)

Героин — ТЕЛЬМАН НОМЛИ.

Дзюдо даҳоси —«ХИВА».

29 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Героин — ЧАЙКА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб 10, кундуз соат 2,30, 4 ва кеч 6 да), «МОСКВА» (кундуз соат 1,20, 5 ва кеч 7 да), «ДРУЖБА» (кундуз соат 12, 2,30, 4 да), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3 да).

Тўй кунида —«ВОСТОК», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Учрашув манзили —**Женева** — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 12, кеч 8 да).

Рошфорлик қизлар —«ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (эрталаб 10, 11,40, кундуз соат 3 ва кеч 6 да).

Сангам (1-2-3 сериялар)— НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Дўппи кийган фаришта — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб 9,45, 11,30, кундуз 1,15 минутда);

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10,40 да бошланади)

Героин — «ФЕСТИВАЛЬ».


Дзюдо даҳоси — «ХИВА».

Учрашув манзили — **Женева** — ТЕЛЬМАН номли.

ГАЗ КОЛОНКАЛАРИНИ ОЧИШДА ҚУЙИДАГИЛАРГА РИОЯ ҚИЛИНГ:

Мўрида тортиш кучи бўлганда,

Шамоллатиш канали нормал ишлаганда



газ колонкаларидан фойдаланганда эшикдаги тирқишни беркитманг, акс ҳолда аҳарланишга олиб келади.

Газдан фойдаланиб бўлгандан сўнг, газопровод ва газ приборидаги кранларни очиқ қолдириш;

газ ҳиди сезилганда;

мўрида тортиш кучи бўлмаганда;

газ алангаси колонка ташқарисига чиқиб кетганда;

газ горелка атрофида тўлиқ ёнмаганда газдан фойдаланиш

ҚАТЪИЯН ТАЪҚИҚЛАНАДИ

Газ колонкалари яхши ишламаганда район газ эксплуатацияси конторасидан газ —слесарларини чақиринг.

Газ ҳиди сезилганда 0-4 телефон орқали шаҳар тузатиш хизматига мурожаат қилинг.

ЭСДА ТУТИНГ! Газдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик бахтсиз ҳодисаларга олиб келади.

«Ташгаз» трести».

«СРЕДАЗЭНЕРГОЦВЕТМЕТ» ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ВА ИҚТИСОДИЙ АХБОРОТ БЎЛИМИГА

ташкил этиш бўйича катта инженер, бўлимларда ахборотларни ва потентлашни тайёрлаш ва жорий этиш, ишлаб чиқаришда таҳсим қилиш; техника тарғиботи ва тажриба алмашиш бўйича инженер, тамомланган ҳисоботга катта бухгалтер

КЕРАК

План бажарилган тақдирда асосий иш ҳақига 40% мукофот қўшиб тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Уйғур кўчаси, 314 уй, 18 хона (8, 11 трамвайларнинг «Дарвоза» бекати). Телефонлар: коммутатор 4-24-05, 4-06, 4-07, қўшимча 3-61.

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ-ТОВАР СТАНЦИЯСИГА

поезд составини тузувчиларга ёрдамчилар меҳнат ҳақи-ишбай— мукофотли), тормозбонлар (меҳнат ҳақи—вақтбай — мукофотли)

КЕРАК

Станцияга қабул қилинганлар ва кўрсатилган касб бўйича мутахассис бўлмаганларга қисқа муддатли курслар очилган, ойига 45 сўм стипендия тўланади.

Қабул қилинганларнинг қарамоғидагилар темир йўлдан бепул фойдаланадилар, кийим-бош ва ёнилғиларга ўта бўладилар.

Елғизларга ётоқхона берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Куйбишев шоссеси, 13 уй, кадрлар бўлими (5, 7, 12, 26, 125 автобусларнинг «Товарний двор» бекати).

Азиз Несин

Ғаройиб болалар



Шу жойга келганда хонада хуррак эшитилди. Дадам гапини чала қолдириб, қўлига газета олди. Бувам яна кўзини очди.

— Америкаликларнинг муносабати қалай?

Ўзимни аранг босиб ўтирибман. Сал бўш қўйсам, куливб юбораман. Дадам жиддий жавоб беради:

— Америкаликлар дунёга ҳукмрон бўламан дейди. Америка армияси..

Баъзан бувам одамнинг етти ухлаб тушига кирмаган саволларни бериб қолади:

— Рим папаси нима дейди? Қани, гапиравер..

— Папами? Папа нима ҳам дерди.. Ўша илгариги..:

Бувам мизғиб бўлди шекилли, қар ҳолда мавзу ўзгариб қолди. Энди унинг ўзи гапга тушиб кетди. Бувам Туркияни ривожлантириш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида гапирди. Бунинг учун асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини четга сотиш лозим экан. У яна кўп гапларни айтди. Охири хуноби ошди.

— Чиғаноқ нима деган гап?! Четга чиғаноқ сотиш билан юртни обод қилиб бўлармиди? Ахир бу чиғаноқ...

Дадам яна газета ўқишга мажбур бўлди. Салдан кейин бувам кўзини очди.

—Ҳа, нима деяётган эдим?

— Чиғаноқдан гапираётган эдингиз.

— Қанақа чиғаноқ?

— Узимизнинг чиғаноқ -да. Четга сотяпмиз-ку, ўша.

— Ҳа, тўғри, эсимга тушди. Чиғаноқ.. Четга чиғаноқ чиқариш билан иш битмайди. Биз сифати ўткир тамаки, пахта, бодом сотишимиз лозим.. Иннайкейин галла ҳам..! Ахир юртимиз галлага, тамакига, бодомга кон-ку. Бодомчилик..

Каллалари яна қийшайиб қолди.

— Қаерда тўхтаб қолувдим?— сўради бувам анчадан кейин ўзига келиб.

— Бодомчилик масаласида.

— Ҳа, тўғри. Бодом масаласида..

Шу пайт эшик тақиллаб қолди. Бориб очдим. Кийим-боши дуруст гина, кексароқ бир киши бувамни сўради. Уйга бошлаб олиб кирдим. Бувам меҳмонга пешвоз чиқди.

— Э, келсинлар, афандим, келсинлар.., Қаёқдан кун чиқди ўзи!

Меҳмон қўлимга бир қути берди. Устида ипи бор. Кутини бувимга элтиб бердим. Қаёқдандир Метин етиб келди. Биргалашиб қутини очдик. Ичи тўла каштан экан. Шакар сепилган каштанни бирам яхши кўраманки...

Остонадаёқ бу киши кўзимга иссиқ кўринди-ю, лекин қаерда кўрганимни дарров эслаёлмадим. Уйга кириб, бир пас гапларига қулоқ солиб ўтирдим. Шунда бу одамни бирдан овозидан таниб қолдим. Ким экан, айтаймн? Ўтган йили Республика байрами арафасида мактабимизга бир журналист келган эди, эсингдами? Невараси ҳам бор экан, бизда иккинчи синфда ўқиркан. Республике қақида гапириб берган эди. Ўзиям зўр журналист экан. Энди эсимга тушдими? Унинг айтган гаплари ҳали-ҳали қулоғимда. «Болажонларим, сизлар чинакам ватанпарвар бўлиб етишинглар. Она юртингизни жондан ортиқ севинглар. Уни жуда яхши билиб олинглар. Катта бўлганингизда Анатолия қишлоқларини бирма-бир кезиб чиқинг. Ўз кўзингиз билан кўринг бу жойларни. Узоқ ва йўқсил қишлоқларга бориб ишланглар. Республиканинг келажаги сизларнинг қўлингизда , ўғил-қизларим!» — деб насиҳат қилган эди. Айниқса унинг бир гапи ҳечам эсимдан чиқмайди. «Жабрдийда Анатолияга маърифат нурини олиб боришингиз керак!» деган эди. Ўшанда ҳаммамиз буни эшитиб, қатгиқ таъсирланган эдик.

— Мен сизни танийман, афандим, —дедим ўзимни тутолмай. — Ўтган йили бизнинг мактабимизга келган эдингиз. Сизни Истамбулда кўрувдим.

— Ҳа, шундайми.., Неварам ўша ерда ўқийди.

Ширин-суҳан меҳмоннинг гапларини яна эшитгим келди. Четроққа бориб ўтирдим. Кейин нима бўлди дегин?! Бутун орзу-умидларим пучга чиқди. Мана, Аҳмад гапга қулоқ сол.

Бир ўғли бор экан, ўзи ўқитувчи эмиш. Шаҳарда катта бўлгани учун қишлоқ ҳавоси унга тўғри келмасмиш. Қола верса уй-жойли экан. Хотини америкаликмиш. Ёш хотини билан Анатолий қишлоқларида тентираб юрса айб бўлармиш. Катта идораларда бир-иккита ошна-оғайниси бор экан, шуларнинг ёрдами билан ўғлини Истамбулда олиб қолибди. Мактабда ўқитувчилик қилаётган экан. Аммо бу мактаб ўғлига узоқлик қилаётганмиш. Машинада бир соат юриш керак экан. Ўғли шу важдан қийналиб қолибди. Уйга яқинроқ жойда уч-тўртта мактаб ҳам бор экан. Ўғлини шулардан бирига жойлаштириб қўйиш мақсадида Анқарага келган экан. Бувамнинг яқин ошнаси шу соҳада ишларкан. Бувам ўшанга бир оғиз гап айтса, бояқишнинг иши тўғри бўлиб кетаркан.

Гапини эшитиб қоним қайнаб кетди. Одобсизлик бўлса ҳам, шартта бетига айтдим.

—Афандим, бу аҳволда жабрдийда Анатолияга маърифат нурини ким олиб боради?

У гапимга тушунмади ёки ўзини тушунмаганликка олди.

— Нима дединглз, қизим?

Бувам ўшқириб берди.

— Бор, ишингни қил! Қаҳва олиб кел!

Қаҳвани келтириб, хонадан чиқиб кетдим.

(Давоми бор)

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида.

*Туркия республикаси эълон қилинган кун.

Тошкент оқшоми 4 БЕТ. 28 ИЮНЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, ялпиюст радия бўлимлари 33-27-57, саноат, транспорт, қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими —33-65-57 эълонлар бўлими—33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриёти нинг босмахонаси Тошкент шаҳри

НАШР 2788 Р. 11200 Индекс 64579.